

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

РОМАН ПОЭТИК СТИЛИСТИКАСИДА КОМПОЗИЦИЯ ВА БАДИЙ ЯХЛИТЛИК МУНОСАБАТИ

Гулнора Авезова

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети,
"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди, доцент, avezovag@mail.ru

Abstract

The article analyzes the relationship between composition and artistic integrity in the poetic stylistics of the novel, the synthesis of expression and image in the formation of epic thinking, the diachrony of form and meaning in the change of stereotypes, the role of the narrative technique in literary interpretation on the example of modern Uzbek novels. In it, the architectural uniqueness of the work and the proportion of the narrative structure, material, language and thought discipline are observed. In fact, defining the aesthetic center of the text is related to the concept of style, the structural possibilities of the genre move the complex of materialization of creative imagination.

Keywords: novel, poetic stylistics, composition, artistic integrity, image.

Аннотация

Мақолада роман поэтик стилистикасида композиция ва бадий яхлитлик алоқаси, эпик тафаккур шаклланишида ифода ва тасвир синтези, стереотип ўзгарувида шакл ҳамда маъно диахрони, адабий талқинда ривож техникаси ўрни ҳозирги ўзбек романлари мисолида таҳлилланади. Унда асар архитектоникаси ўзига хослиги ва ривож структураси нисбати, материал, тил ва тафаккур интизоми хусусида мушоҳада юритилади. Аслида матн эстетик марказини белгилаш услуб тушунчаси билан боғлиқ, жанр структурал имкониятлари ижодий тасаввурни моддийлаштириш комплексини ҳаракатга келтиради.

Таянч сўзлар: роман, поэтик стилистика, композиция, бадий яхлитлик, тасвир.

Абстракт

В статье анализируется взаимосвязь композиции и художественной целостности в поэтической стилистике романа, синтез экспрессии и образа в формировании

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

эпического мышления, диахрония формы и смысла в смене стереотипов, роль повествовательного приема в литературоведческая интерпретация на примере современных узбекских романов. В нем соблюдается архитектурное своеобразие произведения и пропорция повествовательной структуры, материала, языка и дисциплины мысли. По сути, определение эстетического центра текста связано с понятием стиля, структурные возможности жанра перемещают комплекс материализации творческого воображения.

Ключевые слова: роман, поэтическая стилистика, композиция, художественная целостность, образ.

Роман поэтик стилистикасида бадий яхлитлик ҳамда композиция тушунчалари аслида вазифа нуқтаи назаридан бир-бирига тенглашади. *Биринчидан*, иккала атамада ҳам уйғунлик таъминланиши етакчилик қилади. “Бадий асар қисм ва тафсилотларининг қонуний боғланган жойлашуви ҳамда уларнинг ўзаро мувофиқлиги” [3, 137] – композиция асосий жиҳати экан, унинг ижодий ниятни юзага чиқариш вазифадошлиги адабий бутунлик тартибига йўналтирилади. *Иккинчидан*, асосий тушунчаларни шакл, мазмун ва услуб бирлиги тайин этади. Унга кўра, компонентлар ўртасида шаклланадиган мантикий алоқа бадий яхлитликни ҳосил қилади. *Учинчидан*, икки атама ҳам фалсафа, бадий мантик ҳамда қаҳрамон руҳиятини бир-бирига улайди. Ваҳолонки, матн – муайян тизим, у адабий тараққиёт тамойилларига таянади ҳамда изчил ривожланиш босқичига киради.

“Асар композицияси бадий ижоднинг жиддий ёндашишни талаб қиладиган муҳим назарий масалаларидан биридир. Инсон ўз ижодий фаолиятининг барча соҳасида композиция тўғрисидаги муайян принципларга амал қилиши бежиз эмас. Кишилар бунга кўп вақт ўрнашиб қолган анъаналар асосида, онгли равишда, баъзан эса гўзаллик туйғуси таъсирида беихтиёр амал қиладилар. Адабиётшунос олимларнинг асарлари ва дарсликларда композиция: «асарнинг қурилиши, унинг таркибий қисмлари жойлаштирилиши, воқеаларни баён қилиш тартиби», деб таърифланади. Бироқ воқеаларни тартибга солишда асосий, ташкил қилувчи куч – ёзувчининг мақсади экани эътибордан четда қолиб кетади” [4, 253-254]. Ҳаволада бир нечта жиҳат эътиборни жалб қилади. *Биринчидан*, композиция – мустақил шаклланиш тарзига эга тизим, *иккинчидан*, ёзувчи мақсади ва ҳаётий мантиқ узлуксизлиги унинг бошқарув компоненти ҳисобланади, *учинчидан*,

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

муаммони анъана доирасидагини ҳал қилишга интилиш мавжуд таърифлар муайян чекланганликлардан ҳам холи эмаслигини кўрсатади, *тўртинчидан*, поэтик тарҳ шакл ва мазмунни муайян даражада вазифадошлик сатҳида уюштиришга хизмат қилади:

“Оппоқ қишни кутиб ҳолдан тойган дарахтлар қовжираган япроқларининг бахридан ўтади, яккам-дуккам тўкилган япроқлардан куюқ дарахтзор пойига олтин поёндоз тўшалади. Суви камайган кўл тевараги кимсасиз, ҳувиллаб қолади, хиёбондан чиқаверишдаги айқириб оқаётган шовва олдида йўловчилар бир муддат тўхтаб, шовванинг телбаларча талвасада кўпиришидан кўз узолмай қоладилар. Шовва устига ташланган жуда энсиз кўприк жуда омонатга ўхшайди... Ҳар сафар кўприк тепасига келганда, Қадрия бир зум чўчийди, кўнглига хавотир оралаганини сездирмайдию, Фозилбекнинг билагидан тутди, уялиб, қўйиб юборади. Шунда Фозилбек унинг хипча белидан кучиб ўзига тортади, “Чўчиманг, Қадрия, тушиб кетмаймиз” деб уни етаклайди. “Вуй, оқишини!” деб юборади қиз. “Сув эмас, олов, аланга” дейди ҳазиллашиб Фозилбек, буни эшитган Қадрия беихтиёр икки кўллаб йигитнинг билагига тармашади” [2, 175].

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романида тафсилот хотира-киритмалар (мифопоэтик тафаккур, диний-илоҳий ва дунёвий дунёқарашни ягона эстетик марказга йиғиш – синкретик тасвир) билан уйғунлашиб, муаллиф нуқтаи назари ва қаҳрамон қиёфасида акс этаётган ғоя қоришиб кетаётгандек кўринади. Лекин, бу асар композициясидаги ўзига хосликни етарлича англамаган китобхон учунгина шундай туюлиши мумкин. Асардаги ижтимоий-фалсафий талқин усулининг қурилиш жиҳати шундаки, руҳий кечинма тасвири бот-бот узилиб турса-да, бадий компонентлар қатламининг ишга тушиши натижасида улар яна мантиқан тиклана боради. Бу ҳол давр воқелиги ва қаҳрамон психологияси тўқнашувига йўл очиб, китобхон тасаввурларини кенгайтиради. Ривоя қаҳрамон руҳий оламига олиб киришдан ташқари ижтимоий моҳият “пардаларини” кўтаради. Тасвирида руҳоният бутунлиги кўринаётган кескин эврилишлар (маънавий таназзул сабаблари, эътиқоддаги “синиш”лар, миллий ўзликни англаш, шахс камолоти, инсон иродасига ишонч, миллий маънавият ифодасига эътиқод) композицияга алоқадор компонентларни умумлашмалар сари йўналтиради. Шу тарзда, асардаги фалсафий-публицистик кўлам жамият, одам, табиат учлигида бирлашиб, роман композицион яхлитлигини белгилайди.

Тўхтамурод Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романи бадий сатҳи реалистик, ҳажвий, киноявий-пародик, ўткир мажозий ифода талқинида кечади. Ҳолат

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

хронотоп билан узвий алоқадорликдаги роман композициясида ўзига хосликни келтириб чиқаради. Бадал Армон руҳиятида кечган ўйлар ҳам шунга мутаносиб тарзда эврилади. Адиб тафаккури ҳаётини икир-чикирлардан ижтимоий муаммолар сари силжийди. Қабарик мушоҳадалар ҳаёт оқими шиддатига ҳамоҳанг гоҳ кескин, гоҳ “мудроқ” ифодаланади. Кайфият ва руҳий ҳолат тезкор ўрин алмашинуви фалсафий-мажозий фикр теранлигини таъминлайди. Адиб талкин ва дунёқараш бўшлиғини тасаввурлар воситасида тўлдиради:

“Бадал Армон юҳонинг янги ғзаби ваҳмида кўзларини чирт юмиб, бошини тошбақа ҳам лол қолгудек тезликда елкалари ичига яширди. Об-бо, бу мурдор токи унинг бир ерини ҳар қадамда белгиланиб, тепилиши мумкин бўлган жарима тўплари ва бошқа шу каби муқаррар зарбаю тепкилардан ҳимоялашга ҳожат қолмайдиган кўйга солмагунга қадар тинчимайди, шекилли. Қизик, бордию худо уриб, чиндан ҳам шундай бўлса, кўзидан ўт эмас, нақ вулқон отилса керак? Ўтми ё вулқонми отилиши, чамаси, у таниган-билганлардан ёлғиз Ашур дарозгагина маълумдир-ов. Ҳозирча, албатта. “Дароз” – бу унинг қайси Ашур эканлигини фарқламоқ учун. Зеро, Бақоҳовузда ашурлар асло анқонинг уруғи эмас. Аммо, негадир ҳеч ким бошқа ашурлар исмига лақаб тиркамайди [5, 29].

Матнда шундай лавҳалар борки, улар киноявий-пародик усулда шаклланади. Масалан, қаҳрамон улови – эшак кирдикорларига ҳажвий муносабат билдирилади. Ўтиборли жиҳати, тасвир гоҳ инсоний муносабатларга, гоҳ жонивор феъл-атвориға ўтиб туради. Бу бежиз эмас, албатта! Биринчидан, мураккаб услубдан китобхон тасаввурини бир қадар чалғитиш усули, иккинчидан, ижтимоий ўзгаришларни танқидий тафаккур элагидан ўтказишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам ҳаётини икир-чикирлардан ижтимоий муаммо ўсиб чиқишига асосий урғу берилади. Ўткир мажоз қатлами эса, воқеликни енгил поэтик тадқиқ этиш – ҳаққоний баҳолаш мезонини ҳам юзага чиқаради.

Умуман, роман поэтик стилистикасида композиция ҳамда бадиий яхлитлик жанр комплексини ҳосил қилади. Унда тасвир ва таҳлил муайян интизомга эришади, унда шакл ва мазмун бир-бирига ўтиб туради, унда ифода ва ғоя синтези вужудга келади. Аслида роман компоненти учун хос хусусиятлардан бири оламни идрок этиш миқёси даражасида намоён бўлади. Мустақил ижодий аъзолар адабий онгдаги яхлитлиги (мифопоэтик тасаввур–диний дунёқараш–дунёвий фалсафа) ифода конструкциясини ягона эстетик марказга йиғади. Унда қисм ва бутунлик нисбати, мушоҳада ва туйғу зиддияти, шакл ва маъно уйғунлиги далолатланади.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

Гоявий ибтидода ҳаққонийликка эришиш эркин ва рационал таҳлилдан унумли фойдаланишни тақозолайди. Инсон идрокини ҳар хил ақида ҳамда турғунликдан тозалашга интилиш истаги реал тасвир моҳиятида инқилоб ясайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Дўстмуҳаммад Х. Бозор. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Квятковский А. Поэтический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1966.
4. Қўшжонов М. Сайланма. 2-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.
5. Рустамов Т. Капалаклар ўйини. – Тошкент: Шарқ, 2000.
6. [хтп://www.ziyouz.com/](http://www.ziyouz.com/).

